

**“Ўзметкомбинат” АЖ**  
**акциядорларининг йиллик умумий**  
**йиғилиши кворуми ҳақида**  
**1-БАЁН**

**Йиғилиш ўтказилган жой манзили:** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

**Йиғилиш ўтказилган сана:** 2024 йил 29 июнь

**Йиғилиш ўтказилган вақт:** 10:00

**КВОРУМ:**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилишга ваколатли (кворумга эга) деб топилади ҳамда 58-моддасига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.




Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **605 595 065** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **559 868 972** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **146 302** дона.

Йиғилиш кворуми овоз берувчи акцияларнинг **92,47** фоизини ташкил этди.

**Саноқ комиссияси:**

 С.Ф. Алиқулов  
 Б.Б. Нўмонжонов  
 Д.Б. Гулмуратова

Баён тузилган сана: 2024 йил 4 июль

**“Ўзметкомбинат” АЖ**  
**акциядорларнинг йиллик умумий**  
**йиғилиши овоз бериш натижалари ҳақида**  
**2-БАЁН**

**Йиғилиш ўтказилган жой манзили:** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истикбол кўчаси, 1-уй, Metallурглар маданият саройи.

**Йиғилиш ўтказилган сана:** 2024 йил 29 июнь

**Йиғилиш ўтказилган вақт:** 10:00

Овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг умумий сони – **605 595 065** дона.

Умумий йиғилишда бюллетен тўлдириш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **559 868 972** дона.

Умумий йиғилишда масофадан туриб электрон овоз бериш орқали қатнашган овоз берувчи акциялар сони – **146 302** дона.

Т/р	Кун тартибидаги масалалар:	Ўқлаб ✓	Қарши ✓	Бетараф ✓
1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш. <b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b> 1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ ва Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин: – Сардор Ғуломжон ўғли Алиқулов – Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи; – Баходир Баҳром ўғли Нўмонжонов – Корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис; – Дилором Ботировна Гулмуратова – Корпоратив муносабатлар бўйича 1-тоифали мутахассис.	559 891 458	0	107 316

2.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;</li> <li>- 2023 йил якунлари бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари бажарилиши тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини тинглаш;</li> <li>- 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;</li> </ul> <p>- “Ўзметкомбинат” АЖнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг фаолияти 2023 йил якунлари бўйича “ўрта даражада” деб тан олинсин.</p> <p>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи 2-иловага, молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага ҳамда йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 858 058	0	107 316
3.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.</p>	559 868 618	0	107 316
4.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ҳамда дивидендлар тўлаш масаласини кўриб чиқиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари бўйича “ТТТ – AUDIT” МЧЖ мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича олинган 513 660 728 394,67 сўмлик соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 2023 йил якуни бўйича захира фондиди шакллантириш учун 25 683 036 419,73 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи йўналтирилсин;</li> <li>- соф фойданинг қолган 94,42 фоизи, яъни 484 989 772 974, 94 сўм “Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилсин;</li> </ul>	559 798 394	80 784	107 316



	<p>- миноритар акциядорларга тегишли имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловларини амалга ошириш мақсадида 2 987 919 000 сўм ёки соф фойданинг 0,58 фоизи йўналтирилсин, бунда, бир дона имтиёзли акция бўйича дивиденд миқдори солиқларни инобатга олган ҳолда бир дона акция номинал қийматининг 6 фоизи миқдорида, яъни 300 сўм этиб белгилансин;</p> <p>- дивидендларни тўлаш қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаган муддатда акциядорлар томонидан тақдим этилган банк реквизитлари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилсин.</p>			
5.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан маъқулланган йирик битим шартларига ўзгартириш киритиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала юзасидан қарор лойиҳаси:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг 2019 йил 16 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори асосида “Қуюв-прокат мажмуасини куриш” инвестиция лойиҳаси доирасида “Ronesans Avrasya Insaat Anonim Sirketi” АЖ (Туркия) компанияси билан умумий қиймати 170 185 005,03 евро миқдоридаги 6-қўшимча келишув) шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>2. “Ronesans Avrasya Insaat Anonim Sirketi” АЖ (Туркия) компанияси билан тузилган 2019 йил 9 декабрдаги 2745-01/03/08/2019-сонли шартномага 37 742 578,07 евро миқдоридаги 7-сонли қўшимча келишувни уни етарлича салоҳиятли аудиторлик ташкилоти томонидан қонунчиликка мувофиқ қўшимча келишувнинг шартлари, қиймати, иш ҳажмлари ташқи аудит томонидан ўрганилиб, ижобий хулоса олинганидан сўнг тузиш маъқуллансин.</p>	155 410	559 831 084	0
6.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимларни белгилаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимлар рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 792 058	0	173 316

7.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ аффилиланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 868 618	0	107 316
8.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари – Рашид Хусанович Пирматов билан тузилган шартноманинг муддати 2024 йил яқунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар узайтирилсин.</p>	559 868 618	0	107 316
9.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг устав фондиди (устав капитални) камайтириш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. 2020 – 2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан давлат ташкилотларига топширилган активлар (7-илова) ҳисобига “Ўзметкомбинат” АЖ устав капитал миқдори Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли давлат улушини камайтириш йўли билан камайтириш маъқуллансин.</p> <p>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 3 785 717 290 000 сўмлик устав капитал миқдори умумий қиймати 59 754 115 000 сўм бўлган номинал қиймати 5000 сўмлик 11 950 823 дона оддий акцияларни олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтирилсин.</p> <p>3. “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав капитал миқдори номинал қиймати 5000 сўм бўлган 593 644 242 дона оддий ва 151 548 393 дона имтиёзли акциялардан иборат 3 725 963 175 000 сўм этиб белгилансин.</p> <p>4. “Ўзметкомбинат” АЖ устав капиталдан камайтирилган давлат улуши миқдори ва 7-иловага мувофиқ топширилган активларнинг қиймати</p>	559 868 618	107 316	0

	ўртасидаги 2 273,82 сўмлик фарқ кейинчалик устав капиталини оширилишида давлат активи сифатида ҳисобга олинсин.			
10.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил 5 майда Р0148-15-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав капитали миқдори камайтирилиши муносабати билан аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилсин ва ўзгартиришлар матни 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 843 274	0	107 316
11.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги устави 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 853 834	0	107 316
12.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом янги таҳрирда 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 777 274	66 000	107 316
13.	<p>2023 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Investment Management Group” МЧЖ томонидан 2023 йил якунлари бўйича “Ўзметкомбинат” АЖда корпоратив бошқарув тизими 871 балл билан 73 фоиз - “юқори” деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p>	559 809 218	107 316	0
14.	<p>Янгиланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбуриятини қабул қилиш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p>	559 809 218	0	107 316



	1. “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан янгиланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинсин ва ахборот шакли 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.			
15.	<p>“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.</p> <p><b>Кун тартибидаги масала бўйича овозга қўйилган қарорлар:</b></p> <p>1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	559 809 218	0	107 316

**Санок комиссияси:**





С.Ф. Алиқулов

Б.Б. Нўмонжонов

Д.Б. Гулмуратова

Баён тузилган сана: 2024 йил 4 июль